

**АЖ «UZBAT А.О.» ҚК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛ 27 МАЙДА “ТАСДИҚЛАНГАН”**

**ГАДАЙБАЕВ Т.У.  
АЖ «UZBAT А.О.» ҚК  
БОШ ДИРЕКТОРИ**



**АЖ «UZBAT А.О.» ҚК**

**(«УЗБАТ»)**

**АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА**

**Н И З О М**

**(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

**ТОШКЕНТ 2022**

Мазкур АЖ «УЗБАТ А.О.» ҚК Ижро органи ҳақидаги Низом» («Низом») 2019 йил 20 мартда қабул қилинган “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-531-сон Қонуни билан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирининг 14, 57-73-моддалари ва УЗБАТ Устави янги таҳрирининг 14-24-моддалари низомлари асосида ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 29-октябрдаги № ЎРҚ -726 сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига, хусусан, “Акциядорлик жамиятлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида акциядорларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуни ҳамда УЗБАТ Уставининг 15-18, 22 ва 24-моддалари янги таҳрида .

## 1. ТАЪРИФЛАР ВА ИЗОҲЛАР

### 1.1 Таърифлар

Мазкур Низомда, УЗБАТ Уставида ишлатиладиган, қуйида белгиланган таърифлар қўлланилади:

«Устав»	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Ягона дарча” тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан рўйхатга олинган “УЗБАТ АО” акциядорлик жамиятининг янги таҳридаги Уставни билдиради <u>2022</u> йил, рўйхатга олиш рақами 1246.
«Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши»	УЗБАТ юқори бошқарув органини билдиради.
«Акциядорларнинг йиллик Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши»	Уставнинг 15-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Кузатув кенгаши»	Уставнинг 25-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Бош Директор»	Уставнинг 30-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Тафтишчи»	Уставнинг 35-моддасида очиб берилган аҳамиятга эга.
«Аудиторлик ташкилоти»	УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш учун тайинланадиган аудиторлик ташкилотини билдиради.
«Акциядорлар реестри»	Уставнинг 10.6-моддасига биноан юритиладиган Акциядорлар – УЗБАТ акцияларининг эгаларининг рўйхатини билдиради

### 1.2 Изоҳлар

Мазкур Низомда, агар контекст бошқасини талаб этмаса, фақат бирлик сонда ифодаланган сўзлар, кўплик сонини ҳам ўз ичига олади ва аксинча.

## 2. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

2.1 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ва УЗБАТ Устави янги таҳрири асосида ишлаб чиқилган.

2.2 Мазкур Низом УЗБАТ Умумий йиғилишининг мақоми ва иш регламентини, уларни ўтказиш тартиби, уларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

- 2.3 Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Йиллик Умумий Йиғилиши ва Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишига бўлинади.
- 2.3.1 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши молия йили тугугандан сўнг 6 (олти) ойдан кечиктирилмасдан чақирилади.
- 2.3.2 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишидан ташқари ўтказиладиган Йиғилишлари Навбатдан ташқари Йиғилишлари ҳисобланади ва зарурат туғилганда чақирилади.
- 2.4 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишида қуйидагилар мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади:
- УЗБАТ фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, унинг аниқ муддатларини аниқлаган ҳолда, ўрта ва узоқ муддатли даврда УЗБАТни ривожлантириш йиллик ҳисоботи ва стратегиясини тасдиқлаш;
  - УЗБАТ фойдалар ва зарарларини тақсимлаш;
  - Аудиторлик ташкилоти ва Тафтишчининг УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига тегишли бўлган ҳисоботлар;
  - УЗБАТ бош директорининг УЗБАТ фаолияти ва молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи, УЗБАТнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси;
  - дивидендларни УЗБАТ Акциядорлари ўртасида тақсимлаш;
  - УЗБАТ Кузатув Кенгашини сайлаш;
  - УЗБАТ Санок комиссияси аъзоларини тайинлаш;
  - УЗБАТ Тафтишчисини сайлаш;
  - Тафтишчини сайлаш;
  - Шартнома муддатини узайтириш, УЗБАТ Директори билан тузилган шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш имконияти ҳақидаги масалалар УЗБАТ Устави билан Кузатув Кенгашига берилган вакодатларга биноан бу вазифалар аввал Кузатув Кенгаши томонидан амалга оширилган шартларда;
  - УЗБАТ Кузатув Кенгашининг УЗБАТ томонидан қонунчилик билан ўрнатилган корпоратив бошқариш нормаларига риоя қилиниши бўйича ҳисобот.
- 2.5 Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишида Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилгунига қадар юзага келадиган, Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ваколатларига кирадиган масалалар кўриб чиқилади
- 2.6 Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказиш санаси, Акциядорларга уларни ўтказиш ҳақида хабар бериш шакли, Умумий Йиғилиш ўтказишга тайёрланганда Акциядорларга тақдим этиладиган матераиллар (маълумотлар) рўйхати УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан мазкур Уставга ва қонунчиликка биноан белгиланади. УЗБАТ Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларини чаириш ва ўтказиш бўйича барча ишларни мувофиқлаштиришни Кузатув Кенгаши билан келишган ҳолда кўрсатилган фаолиятини амалга оширувчи УЗБАТ Директори аалга оширади.
- 2.7 Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишда умумий йиғилишда масофадан туриб иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш имкониятини тامينлаш учун ахборот-коммуникация технологияридан фойдаланиш мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида масофавий иштирок этиш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозларни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

### **3. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ**

- 3.1 Акциядорлар Умумий Йиғилиши ваколатларига қуйидагилар киреди:

- 3.1.1 УЗБАТ Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Уставнинг УЗБАТ Уставининг қуйидаги 3.4 ва 25.2.20 банди низомларини ҳисобга олган ҳолда УЗБАТ Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш;
- 3.1.2 Кузатув Кенгаши ва УЗБАТ миноритар акциядорларининг қўмитасининг миқдорий таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- 3.1.3 УЗБАТ ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- 3.1.4 Бош Директорни сайлаш қуйидаги 3.4 банд ва Уставнинг 25.2.25 бандлари низомларини ҳисобга олган ҳолда унинг ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш;
- 3.1.5 УЗБАТ Бош Директорига тўланадиган мукофотлар ва /ёки товон тўловлари миқдорларини, ҳамда уларнинг чагараланган миқдорларини белгилаш;
- 3.1.6 УЗБАТ Тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш, Тафтишчи ҳақидаги низомни тасдиқлаш;
- 3.1.7 УЗБАТ Йиллик Ҳисоботини, фаолиятнинг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, унинг аниқ муддатларини белгилаган ҳолда йиллик ҳисобот ва УЗБАТнинг ўрта ва узоқ муддатли истқболга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;
- 3.1.8 УЗБАТ фойдалари ва зарарларини тақсимлаш;
- 3.1.9 Кузатув Кенгаши томонидан тақсимланишга тавсия этилган дивидендларни тасдиқлаш;
- 3.1.10 қуйидаги 3.4 банд ва УЗБАТ Уставининг 25.2.27 низомларини ҳисобга олган ҳолда, УЗБАТ йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 3.1.11 УЗБАТ Устав Фондини камайтириш;
- 3.1.12 қуйидаги 3.4 банд ва УЗБАТ Уставининг 25.2.20 низомларини ҳисобга олган ҳолда, УЗБАТ Устав Фондини ошириш;
- 3.1.13 УЗБАТ ўз акцияларини сотиб олиш;
- 3.1.14 УЗБАТ қайта тузиш;
- 3.1.15 УЗБАТ тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш, ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансини тасдиқлаш;
- 3.1.16 эълон қилинган акцияларнинг чегараланган миқдорини тасдиқлаш;
- 3.1.17 қонунчилик билан белгиланган ҳолларда йирик битимлар тузиш;
- 3.1.18 қонунчилик билан белгиланган ҳолларда тузилишидан манфаатдор бўладиган битимлар тузиш;
- 3.1.19 Акциядорлар Умумий Йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- 3.1.20 УЗБАТ Кузатув кенгаши ва Тафтишчисининг уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар, шу жумладан УЗБАТни бошқариш бўйича қонунчилик билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши бўйича ҳисоботлари ва хулосаларини тинглаш;
- 3.1.21 УЗБАТ томонидан чиқариладиган корпоратив облигациялар, шу жумладан конвертацияланадиган акциялар ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- 3.1.22 қуйидаги 3.4 банд ва Уставнинг 25.2.23 бандлари низомларини ҳисобга олган ҳолда ясама қимматли қоғозлар чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 3.1.23 қуйидаги 3.4 банд ва Уставнинг 25.2.24 бандлари низомларини ҳисобга олган ҳолда УЗБАТ корпоратив облигацияларини сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 3.1.24 Уставнинг 10.20 моддасида кўзда тутилган номулкий ҳуқуқни қўлламаслик ҳақида қарор қабул қилиш;
- 3.1.25 қуйидаги 3.4 банд ва Уставнинг 25.2.21 бандлари низомларини ҳисобга олган ҳолда акцияларни жойлаштириш (биржа ва ташкилий биржа бозорига қимматли қоғозларни қўйиш) нархини белгилаш;
- 3.1.26 Акцияларни майдалаш ва консолидациялаш;
- 3.1.27 УЗБАТ Санок комиссияси миқдорий сони ва ходимлар таркибини тасдиқлаш;
- 3.1.28 мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш
- 3.1.29 Қонунчиликка биноан бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 3.2 УЗБАТ Акциядорлар Умумий Йиғилиши ваколатларига киритилган масалаларни, УЗБАТ Директорига ҳал қилиш учун бериш мумкин эмас.

- 3.3 УЗБАТ Акциядорлар Умумий Йиғилиши ваколатларига киритилган масалаларни, куйидаги масалалардан ташқари, Кузатув Кенгашига ҳал қилиш учун бериш мумкин эмас:
- 3.3.1 УЗБАТ Устав Фондини ошириш, ҳамда УЗБАТ Устав Фондига Устав Фондини ошириш билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- 3.3.2 қонунчиликка биноан акцияларни жойлаштириш (биржа ва ташкилий биржа бозорида қимматли қоғозларни қўйиш) нархини белгилаш;
- 3.3.3 УЗБАТ томонидан чиқариладиган корпоратив облигациялар, шу жумладан конвертацияланадиган акциялар ҳақида қарорлар қабул қилиш;
- 3.3.4 Ясама қимматли қоғозлар чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 3.3.5 Жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш ҳақида қарорлар қабул қилиш,
- 3.3.6 УЗБАТ Ижро органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;
- 3.3.7 УЗБАТ Ижро органига тўланадиган мукофотлар ва товон тўловлари миқдорларини белгилаш;
- 3.3.8 УЗБАТ йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

3.4 Уставнинг 25.2.20 – 25.2.27 бандларига биноан, УЗБАТ Кузатув Кенгашига юқорида 3.3.1 – 3.3.8 бандларда кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилади. Агар УЗБАТ Кузатув Кенгаши юқорида 3.3.1 – 3.3.8 бандларда кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар қабул қила олмаса, бундай масала бўйича қарор УЗБАТ Акциядорлари Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинади.

#### **4. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ РҲЙХАТДАН ҲТКАЗИШ.**

4.1 Акциядорлари Умумий Йиғилиши ўтказиладиган кун расман эълон қилингунгача 3 (уч) иш куни ичида шаклланган, УЗБАТ акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, УЗБАТ Акциядорлари Умумий Йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

4.2 Акциядорлари Умумий Йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар реестрига ўзгартиришлар, кўрсатиб ўтилган рўйхатга у тузилган, ёки уни тузишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш кунига киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаган ҳолда қонунчилик билан ўрнатилган тартибда киритилиши мумкин.

4.3 Акциядорнинг талабига кўра, УЗБАТ унга Акциядорлар Умумий Йиғилиши ўтказилиши учун шакллантирилган реестрга и киритиш ҳақидаги маълумотни тақдим этиши зарур.

4.4 Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга Акциядорлар реестрига киритилган Акциядорлар, уларнинг вакиллари, Аудиторлик ташкилоти, Кузатув кенгаши аъзолари, Тафтишчи, Бош директор Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Кузатув Кенгаши ва Тафтишчига сайланадиган номзодлар муҳокама қилинганда, кўриб чиқилаётган номзодларни Акциядорларнинг Умумий Йиғилишига таклиф этилиш мумкин.

4.5 Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида иштирок этиш учун, Акциядорлар ёки уларнинг вакиллари Умумий Йиғилиш ўтказилиши ҳақидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари лозим.

4.6 Йиғилишда иштирок этиш учун етиб келган акциядорлар, жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш уларнинг паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати асосида амалга оширилади. Акциядорлар ишончли шахсга нисбатан, Акциядор эса – нотариал тасдиқланган ишончнома билан амалга оширилади. Акциядор ҳар қандай вақтда ўз вакилини Умумий Йиғилишда алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

4.7 Акциядорларни – юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- юридик шахс иштирок этган ҳолда: ушбу лавозимга тайинланганлиги ҳақидаги ҳуқуқий далолатномалар ва бундай юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида;

- акциядор - юридик шахснинг ишончли вакили бўлмаган ҳолда: бундай юридик шахс муҳри қўйилган, унинг раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган ишончнома асосида.

4.8 Умумий Йиғилиш ўтказиладиган вақтда акцияларни берилганда, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тузиш кунидан сўнг ва умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар, бераётган шахс сотиб олувчига акциялар сотиб олувчининг кўрсатмаларига биноан Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида овоз беришга ишончнома бериши ёки ўзи овоз бериши керак.

4.9 Агар УЗБАТ акцияси бир неча шахснинг улушли мулкида бўлса, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида овоз бериш ҳуқуқлари уларнинг кўрсатмалари билан умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилиши керак.

4.10 Акциядорлар Умумий Йиғилишига келган Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар реестрига биноан юритилади.

4.11 Акциядорлар реестрига биноан Акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш учун, рўйхатдан ўтказиш рўйхати тузилади. Рўйхатдан ўтказиш рўйхати брошюранланган, рақамланган, тикилган ва УЗБАТ муҳри билан мустаҳкамланган бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказиш рўйхати Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга кирадиган ҳужжатлар билан биргаликда УЗБАТ архивида сақланиши лозим

## **5. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРЛАНИШ.**

5.1 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказиш ҳақидаги қарор УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади, ва у қуйидагиларни амалга оширади:

5.1.1 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказиладиган санана, жойини ва қатини белгилайди. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказиш санаси уни ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун аввал ва 30 (ўттиз) кундан кечиктирилмасдан белгиланади;

5.1.2 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши кун тартибини тасдиқлайди;

5.1.3 УЗБАТ йиллик ҳисоботини, бухгалтерлик балансини, даромадлар ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилади;

5.1.4 Йиллик дивидендларнинг тўланиши ҳақидаги масалани кўриб чиқади, бундай дивидендларнинг тўлов миқдори ҳақида қарор қабул қилади ва кўрсатилган масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишида тасдиқлаш учун киритади;

5.1.5 Умумий Йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун УЗБАТ акциядорлари реестрини тузиш санасини тасдиқлайди;

5.1.6 Акциядорлар учун Акциядорлар Умумий Йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш тартиби ва шаклини белгилайди;

5.1.7 Акциядорларга Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар бериш тартиб ва шаклини белгилайди;

5.1.8 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига тайёргарлик кўрилганда Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда Акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) рўйхатини белгилайди ва кўрсатилган масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқлаш учун киритади;

5.1.9 Тафтишчи номзодлари рўйхатини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, ҳамда кўрсатилган масалани тасдиқлаш учун Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишида тасдиқлаш учун киритади;

5.1.10 Кузатув Кенгаши Тафтишчиларига номзодлар рўйхатини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, ҳамда кўрсатилган масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишида тасдиқлаш учун киритади;

5.1.11 УЗБАТ Бош Директори номзодини кўриб чиқади ва кўрсатилган масалани тасдиқлаш учун Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига киритади, агар Кузатув Кенгаши томонидан юқоридаги 3.4 банд ва Уставнинг 25.2.25 бандига биноан бундай қарор қабул қилинмаган бўлса;

5.1.12 Санок Комиссияси номзодлари рўйхатини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, ҳамда кўрсатилган масалани тасдиқлаш учун Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига киритади;

5.1.13 Овоз бериш учун Бюллетенлар шаклини ва матнини тасдиқлайди

5.1.14 УЗБАТ Кузатув Кенгашининг қонунчилик билан корпоратив бошқарув меъёрларига риоя қилиш бўйича ҳисоботи лойиҳасини тинглайди ва тасдиқлайди.

5.2 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, УЗБАТнинг расмий сайтида, оммавий ахборот воситаларида ҳамда Акциядорларга электрон манзилларига (Акциядорлар томонидан тақдим қилинган электрон манзиллари мавжуд бўлса) ва/ёки буюртма хат билан УЗБАТ Акциядорлари Реестри тузилиш кундаги реестрда кўрсатилган Акциядорлар манзилларига билдиришнома билан Умумий Йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун, - Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилиши 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмасдан, бироқ 30 (ўттиз) кундан олдин бўлмаган муддатда юборилади.

5.3 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги ёзма хабарнома куйидагилардан иборат бўлиши керак:

- УЗБАТ тўлиқ ном ива жойлашган ўрни (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- Йиллик Умумий Йиғилиш ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи;
- УЗБАТ Акционерлари реестрини шакллантириш санаси;
- Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар
- Акциядорларни Йиллик Умумий Йиғилиш ўтказишга тайёргарлик кўрилганда Акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар (материаллар) билан таништириш тартиби;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш тартиби, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб.

5.4 Акциядорларни Йиллик Умумий Йиғилиш ўтказишга тайёргарлик кўрилганда Акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар (материаллар)га куйидагилар киради:

- УЗБАТ йиллик ҳисоботи,
- УЗБАТ Тафтишчиси ва аудиторлик ташкилотининг УЗБАТ молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳулосаси,
- УЗБАТ Кузатув Кенгаши ва УЗБАТ Тафтишчисига киритиладиган номзодлар ҳақидаги маълумотлар,
- УЗБАТ Кузатув Кенгашининг Бош Директор билан тузиладиган шартномасини қайта тузиш ёки бекор қилиш имконияти ҳақидаги ҳулосаси (агар Бош Директор билан тузиладиган шартномасини қайта тузиш ёки бекор қилиш имконияти ҳақидаги қарор юқоридаги 3.4 банд ва Уставнинг 25.2.25 бандига биноан қарор қабул қилинмаган бўлса,
- УЗБАТ Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг янги тахрирдаги лойиҳаси.

Ушбу рўйхат қимматли қоғозлар УЗБАТ Кузатув Кенгаши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органининг ёки УЗБАТ Кузатув Кенгашининг қарорларига биноан ўзгартирилиши мумкин. Акциядорларларга тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахслар, шу жумладан ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда уни ўтказишдан олдин ва уни ўтказиш вақтида очиқ бўлиши керак.

5.5 УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг 1 (бир) фоизидан кам бўлмаган миқдорининг эгаси ҳисобланган Акциядор (Акциядорлар), молия йили тугагандан сўнг 60 (олтмиш) календар кундан кечиктирмасдан Акциядорлар Йиллик Умумий Йиғилишининг кун тартибига масалаларни киритиш ва сони ушбу органларнинг миқдорий сонининг таркибидан ошмаган Кузатув Кенгаши, Ижро органи ва Тафтишчилар номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эга.

5.6 Акциядор (Акциядорлар) Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабар эълон қилинган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктирмасдан Акциядор (Акциядорлар)

улар томонидан Кузатув Кенгаши ва Тафтишчиларга киритилган номзодларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

5.7 Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши кун тартибига масалалар, уларни киритиш сабаблари, масалани киритган Акциядорнинг исми-шарифи, унга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

Кузатув Кенгаши ва/ёки Тафтишчиларнинг номзодлари, шу жумладан ўз номзоди киритилган ҳолларда, номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади (агар номзод УЗБА акциядори ҳисобланса), шунингдек, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

5.8 Кузатув Кенгаши барча келиб тушган таклифларни кўриб чиқади ва ушбу Низомнинг 5.5 ва 5.6 бандларида ўрнатилган муддат ва белгиланган муддат тугагандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирилмасдан уларни Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши кун тартибига киритиш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

5.9 Акциядор (Акциядорлар) томонидан киритилган масала, кўрсатилган номзодлар Кузатув Кенгаши ва Тафтишчиларга сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши лозим бўлган номзодлар каби, Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши кун тартибига киритилиши лозим, бироқ қуйидаги ҳоллар бундан истисно:

- Акциядор (Акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 5.6 бандида кўрсатилган муддатга риоя қилинмаганда;
- Акциядор (Акциядорлар) томонидан мазкур Низом 5.5 бандида кўзда тутилган УЗБАТнинг овоз берувчи акциялар эгалари ҳисобланмаганда;
- УЗБАТ сайло органларига киритилаётган номзодлар ҳақидаги маълумотлар нотўлиқ бўлганда;
- Таклифлар қонунчилик далолатномалари ва/ёки УЗБАВ Устави талабларига мос келмаганда.

5.10 Йиллик Умумий Йиғилиши Кузатув Кенгашининг масалани кун тартибига ёки номзодни Кузатув Кенгаши ва Тафтишчисига сайловлар бўйича овоз бериш учун рўйхатга киритишни рад этиш ҳақидаги асосланган қарори, бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан масалани киритган ёки таклиф берган Акциядорга (Акциядорларга) жўнатилади.

## **6. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ГА ТАЙЁРЛАНИШ.**

6.1 Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши УЗБАТ Кузатув Кенгашининг қарори билан унинг шахсий ташаббуси асосида ёки агар у шундай йиғилишни ўтказиш ҳақида қуйидагилардан ёзма талабнома олганда ўтказилади:

- УЗБАТ Тафтишчиси; ёки
- талаб тақдим этилган санада УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорининг эгаси ҳисобланган Акциядор (Акциядорлардан).

6.2 Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишини Тафтишчи ёки УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорининг эгаси ҳисобланган Акциядор (Акциядорлар)нинг ёзма талаби бўйича чақириш, Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши ўтказилиши ҳақида талаб тақдим этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмасдан амалга оширилади. Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишини чақириш Кузатув Кенгаши томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.

6.3 Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши ўтказиш ҳақидаги талабда, уларни киритиш сабабларини кўрсатган ҳолда, йиғилиш кун тартибига киритилиши лозим бўлган масалалар ифода этилган бўлиши лозим.



- 6.4 Кузатов Кенгаши ўз Тафтишчиси ёки УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорининг эгаси ҳисобланган Акциядори (Акциядорлари)нинг талабига кўра чақириладиган Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши кун тартибига масалаларининг мазмунига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.
- 6.5 Агар Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилиши ҳақидаги талаб, Акциядор (Акциядорлар)дан чиққан бўлса, унда у Акциядорга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда, йиғилиш чақирилишини талаб қилган Акциядор (Акциядорлар)нинг исми (номи)дан иборат бўлиши керак.
- 6.6 Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилиши ҳақидаги талабнома Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилишни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.
- 6.7 УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорининг эгаси ҳисобланган Акциядори (Акциядорлари)нинг ёки Тафтишчисининг талаби бўйича Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилишини рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:
- талаблар тақдим этилган санага Акциядор (Акциядорлар) УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорининг эгаси ҳисобланмаса;
  - агар Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалаларнинг бирортаси ҳам Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ваколатига киритилмаган бўлса;
  - кун тартибига киритиш учун таклиф этилаётган масала қонунчилик талабларига жавоб бермаса.
- 6.8 Кузатов Кенгашининг Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилиши ҳақидаги қарори ёки уни чақирилишини рад этиш ҳақидаги асосланган қарори, бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктирилмасдан уни талаб қилаётган шахсларга жўнатилади.
- 6.9 Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилишини рад этиш ҳақидаги асосланган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.
- 6.10 Агар Кузатов Кенгаши томонидан 10 (ўн) иш куни давомида Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилиши ҳақидаги қарори қабул қилинмаган бўлса, ёки мазкур Низомнинг 6.8 бандида кўрсатилган сабабларга кўра уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилишини талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.
- 6.11 Бундай ҳолларда, Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши чақирилиши ўтказишга сарфланган харажатлар Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишининг қарорига кўра УЗБАТ маблағлари ҳисобига қопланиши мумкин.
- 6.12 Агар Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишини ўтказиш ҳақидаги қарор бериш тартиби ва бундай хабардаги талаблар мазкур Низомнинг 5.2 ва 5.3 бандлари абларига жавоб бериши керак.
- 7. АКЦИЯДОРЛАР УМУМий ЙИҒИЛИШИНING КВОРУМИ.**
- 7.1 Агар УЗБАТ жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ миқдорига эгалик қилувчи Акциядорлар (уларнинг вакиллари) Умумий Йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказилиши тугаган вақтда рўйхатдан ўтган бўлсалар, Акциядорларнинг (Йиллик, Навбатдан ташқари) Умумий Йиғилиши қонуний ҳуқуқларга (кворумга) эга.

- 7.2 Агар Йиғилиш бошланиши тайинланган вақтдан кейин 30 (ўттиз) дақиқа вақт давомида кворум тўпланмаган бўлса, Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши такроран ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 7.3 Бўлиб ўтмаган Акциядорлар Умумий Йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий Умумий Йиғилиш кворумга эга, агар унда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш вақти тугагандан пайтда УЗБАТ жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг 40 (қирқ) фоизидан ортиқ миқдорига эга бўлган Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлсалар.
- 7.4 Такрорий Акциядорлар Умумий Йиғилишини ўтказиш ҳақида хабар бериш, мазкур Низомнинг 5.2 ва 5.3 бандларида кўзда тутилган шаклда ва муддатларда амалга оширилади.
- 7.5 Кворум бўлмаганлиги сабабли Акциядорлар Умумий Йиғилишини ўтказиш санаси камида 20 (йигирма) кунга кўчирилганда, Акциядорлар Умумий Йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар, бўлиб ўтмаган Умумий Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар реестрига биноан аниқланади.
- 8. АКЦИЯДОРЛАР УМУМҲЙ ЙИВИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ.**
- 8.1 Акциядорлар Умумий Йиғилишининг ишчи органлари қуйидагилар ҳисобланади: Акциядорлар Умумий Йиғилишининг Раёсати, Санок комиссияси ва Котиби.
- 8.2 Акциядорлар Умумий Йиғилишини УЗБАТ Кузатов Кенгашининг Раиси, узрли сабабларга кўра у бўлмаёт қолган ҳолларда - УЗБАТ Кузатов Кенгаши аъзоларидан бири олиб боради. Акциядорлар Умумий Йиғилишида Раис ва Кузатов Кенгаши иштирок эта олмаса, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини УЗБАТ Бош Директори олиб боради
- 8.3 Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг Котиби Кузатов Кенгаши Котиби ҳисобланади.
- 8.4 Акциядорлар Умумий Йиғилишининг Раиси йиғилишни олиб боришга раҳбарлик қилади, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг чиқиш вақтини белгилайди, йиғилишнинг олиб борилиши ва овоз бериш бўйича тушунтиришлар беради, ҳамда кун тартибини назорат қилади.
- 8.5 Йиғилиш Котиби Йиғилишининг ёзма Баённомасини тайёрлайди.
- 8.6 Акциядорлар Умумий Йиғилишида кворумнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида овозларни санаш, шунингдек овоз бериш натижаларини белгилаш учун, миқдорий ва ходимлар таркиби Кузатов Кенгашининг таклифига биноан Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Санок комиссияси ташкил этилади.
- 8.7 Санок комиссияси таркиби уч кишидан кам бўлмаслиги керак. Санок комиссиясига Кузатов Кенгаши аъзолари, Тафтишчи, Бош Директор, шунингдек юқорида қайд этилган лавозимларга номзодлари кўрсатилган шахслар кира олмайдилар.
- 8.8 Санок комиссияси, унга юклатилган мажбуриятларни бажариш қисмида, Йиғилишнинг доимий амалдаги мустақил Ишчи органи ҳисобланади.
- 8.9 Санок комиссияси ваколатларимуддати уни Акциядорлар Умумий Йиғилишида сайлаган вақтдан бошлаб Акциядорлар Умумий (Йиллик), Навбатдан ташқари) Йиғилиши томонидан Санок комиссиясининг янги таркиби сайлангунгача ёки қайта сайлангунгача ҳисобланади.
- 8.10 Аввалги Акциядорлар Умумий Йиғилишида сайланган Санок комиссияси, Акциядорлар Умумий Йиғилишида қуйидаги вазифаларни бажаради:
- Акциядорлар Умумий Йиғилишида иштирок этиш учун Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказади;
  - Ишончномалар ва уларга берилган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

- Акциядорлар Умумий Йиғилиши овоз бериш Бюллетенларини ва бошқа маълумотларни беради;
- Акциядорлар Умумий Йиғилиши Кворуми мавжудлигини белгилайди;
- Акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Акциядорлар Умумий Йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш юзасидан юзага келадиган масалалар бўйича тушунтиришлар беради;
- овоз бериш учун киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- ўрнатилган овоз бериш тартибини ва Акциядорларнинг овоз беришдаги ҳуқуқларини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз беришга яқун ясайди;
- овоз бериш яқунлари ҳақида баённома тузади;
- овоз бериш учун Бюллетенларни ва овоз бериш яқунлари ҳақидаги баённомани архивга топширади.

8.11 Акциядорлар Умумий Йиғилиши Раисининг таклифлари ва Акциядорлар Умумий Йиғилиши қарорига кўра, Умумий Йиғилиш Раёсатини тузиш мумкин. Раёсат таркибига Акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари ва/ёки УЗБАТ Бош Директори, УЗБАТ Кузатув Кенгаши аъзолари киритилишлари мумкин. Умумий Йиғилиш Раёсатининг миқдорий таркиби ҳар қандай бўлиши мумкин. Умумий Йиғилиш Раёсатига номзодлар сайлаш бўйича овоз бериш амалга оширилмайди.

8.12 Амалдаги қонунчиликка биноан Умумий Йиғилиш Раёсати Йиғилишнинг Ишчи органи ҳисобланади ва Акциядорлар томонидан қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ва/ёки қарор қабул қилиш ваколатларига эга эмас. Умумий Йиғилиш Раёсати ягона мақсадда - Акциядорлар Умумий Йиғилишининг самарали ва пухта ишлашини таъминлаш ва Акциядорлар Умумий Йиғилишининг Регламентига риоя қилинишини кузатиш.

8.13 Кузатув Кенгаши аъзоси, Бош Директор, Тафтишчи ва Аудиторлик ташкилоти Акциядорлар Умумий Йиғилишида қатнашишлари ва, агар улар акциялар эгалари ҳисобланмасалар ёки Акциядор вакили сифатида сўзга чиқмасалар, акцияларнинг эгалари ҳисоблансалар, уларда овоз бериш ҳуқуқисиз иштрок этишлари мумкин.

## **9. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ.**

9.1 Йиғилишда шахсан ўзи ёки ўз вакили орқали иштирок этаётган ҳар бир Акциядор, рўйхатдан ўтиб эгалик қилувчи ҳар бир акцияга битта овоз бериш ҳуқуқига эга ҳақли.

9.2 Акциядорлар Умумий Йиғилишида овоз бериш Бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Овоз бериш Бюллетенларининг шакли ёки ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади. Овоз бериш бюллетениннг шакли ва мазмуни УЗБАТ Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилиши УЗБАТ Кузатув Кенгашида қақрилмаётган ҳоллар - бундан истисно.

9.3 Умумий Йиғилишида овоз бериш, агар УЗБАТ томонидан ёки қонунчилик билан бошқаси белгиланмаган бўлса, “УЗБАТ нинг овоз берувчи акцияси – бир овоз” тамойили бовоз бериш Бюллетен бўйича амалга оширилади.

9.4. Овоз бериш Бюллетени куйидагилардан иборат бўлиши керак: УЗБАТ тўлиқ фирма номи, Акциядорлар Умумий Йиғилиши ўтказиладиган санаси ва жойи, овоз бериш учун қўйилган ҳар бир масаланинг таркиби ва уни кўриб чиқиш навбатининг ифодаланиши, “тарафдор”, “қарши” ва “бетараф” сўзлари билан ифодаланган, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш вариантлари (овоз беришга қўйилган масала “тарафдор” сўзи билан ифодаланган масала, овоз бериш Бюллетени Акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланган бўлиши кераклигини кўрсатувчи кўрсатма.

9.5. Кузатув Кенгашининг аъзоси ёки Тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги масала бўйича овоз бериш олиб борилган ҳолда, овоз бериш Бюллетени номзодининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган маълумотлардан иборат бўлиши керак.

9.6. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида кун тартиби масалари бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз беришда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Шу билан бирга, овоз беришга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

9.7. Овоз беришга қўйилган масала бўйича Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши қарори Умумий Йиғилишда иштирок этаётган Акциядорлар - УЗБАТ овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Акциядорлар Умумий Йиғилишида (малакалашган кўпчилик) иштирок этган Акциядорлар – овоз берувчи акциялар эгалари овозларининг тўртдан уч қисми кўпчилик овози билан қабул қилинадиган қарор, мазкур Низомнинг 3.1.1, 3.1.14, 3.1.15, 3.1.17, 3.1.18 ва 3.1.21 кичик бандларида назарда тутилган масалалар – бундан истисно.

9.8. Овоз бериш Бюллетенлари билан овоз бериш амалга оширилганда, овозлар, овоз бериш вариантларининг фақат биттаси учун қолдирилган масалалар бўйича ҳисобланади. Овоз бериш учун юқорида қайд этилган талабни бузиб тўлдирилган Бюллетенлар ҳақиқий эмас, деб тан олинади ва улардаги масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинмайди.

9.9. Агар овоз бериш Бюллетени овозга қўйилган бир неча масаладан иборат бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан юқорида кўрсатиб ўтилган 9.8 банд талабига риоя қилмаслик, Бюллетенни овоз бериш учун умуман ҳақиқий эмас деб тан олишга олиб келмайди.

9.10. Акциядорлар Умумий Йиғилиши, Умумий Йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилиш, ҳамда кун тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга эмас.

9.11. Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш олиб борилган Акциядорлар Умумий Йиғилишида овоз бериш яқунлари, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида эълон қилинади, ҳамда Акциядорлар Умумий Йиғилиши ёпилгандан сўнг, қонунчилик билан ўрнатилган тартиб ва муддатларда овоз бериш яқунлари ҳақидаги ҳисоботни чоп этиш орқали.

9.12. Акциядор, Акциядорлар Умумий Йиғилишида узрли сабабларга кўра иштирок этмаган ёки бундай қарорнинг қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қабул қилинган қарор юзасидан судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

## **10. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ.**

10.1 Акциядорлар Умумий Йиғилишини олиб бориш Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланган Регламентга биноан амалга оширилади.

10.2 Акциядорлар Умумий Йиғилишини олиб бориш Регламенти маърузалар ва танаффусларнинг давомийлиги ва тартибини, масалаларни ва маърузачиларга бўлган талабларни, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутди. Агар Умумий Йиғилиш бошида Акциядорларда Регламент бўйича кўшимча таклифлар туғилмаса, Умумий Йиғилишни олиб бориш Регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича овоз бериш амалга оширилмайди. Агар Акциядорларда Регламент бўйича кўшимча таклифлар туғилган тақдирда, бундай масалалар бўйича овоз бериш қўл кўтариш орқали амалга оширилади. Саноқ комиссияси овозларни санайди ва оддий овозлар кўп бўлса, қарор қабул қилинган, деб ҳисобланади.

10.3 Йиғилиш пайтида юзага келадиган жорий масалалар, Умумий Йиғилиш Раиси томонидан, “ҳар бир иштирокчи ажратилган вақт доирасида Акциядорлар Умумий Йиғилишда ҳал қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиш ҳуқуқига эга” асосий тамойилидан келиб чиққан ҳолда, яқка тартибда ҳал қилинади.

10.4 Кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш истагида бўлганлар, Акциядорлар Умумий Йиғилиши Котибига, муҳокама учун масалани кўрсатган ҳолда ёзма буюртма беради.

10.5 Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгач, ва Акциядорларни овоз бериш натижалари ҳақида хабардор қилиб бўлгандан сўнг, Йиғилиш Раиси Акциядорлар Умумий Йиғилишини ёпик, деб эълон қилади.

## **11. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING БАЁННОМАСИ**

11.1 Умумий Йиғилиш Котиби:

- Акциядорлар Умумий Йиғилишининг олиб борилишини ёзиб боради;
- Акциядорлар Умумий Йиғилишининг Баённомасини рус ва инглиз тилларда икки нусхадан тузади.

11.2 Умумий Йиғилиш Котиби Умумий Йиғилиш ўтказиш ҳақидаги стенографик ҳисоботлар тузиш учун стенографистлар хизматларидан фойдаланиши мумкин. Бундай стенографик ҳисоботдан Котиб Умумий Йиғилиш Баённомасини тайёрлаганда фойдаланади.

11.3 Акциядорлар Умумий Йиғилишининг Баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- Акциядорлар Умумий Йиғилиши ўтказиладиган жойи ва вақти;
- Акциядорлар – УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг эгалари эгалик қилувчи овозларнинг умумий сони;
- Йиғилишда иштирок этган Акциядорлар эга бўлган овозлар сони;
- Умумий Йиғилиш Раиси ва Котибининг фамилияси, исми, отасининг исми ва эгаллаган лавозими;
- Овозга қўйилган масалалар, маърузаларнинг асосий низолари, овоз бериш яқунлари ва Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинган.

11.4 Умумий Йиғилиш Баённомаси Йиғилиш Раиси ва Котиби томонидан имзоланади. Йиғилиш Раиси ва/ёки Котиби Акциядорлар Умумий Йиғилишининг ҳар қандай нусхалари ва улардан кўчирмаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эгадирлар.

11.5 Умумий Йиғилиш Баённомаси Акциядорлар Умумий Йиғилиши ёпилган кундан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирилмасдан тузилади.

11.6 Овоз бериш натижалари бўйича Санок комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида байоннома тузади, унда Санок комиссияси азолари томонидан имзоланади. Овоз бериш яқунлари байонномасида Акциядорлар Умумий Йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган йиғилишда кворум мавжудлиги тўғрисидаги малумотлар киритилади.

11.7 Овоз бериш яқунлари ҳақидаги баённома Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

11.8 Овоз бериш натижалари байонномаси тузилиб, Акциядорлар Умумий Йиғилиши байонномаси имзолангандан сўнг қоғоз кўринишдаги ёки электрон ташувчидаги акциядорларнинг овоз бериш бюллетенлари Санок комиссияси томонидан муҳрланади ва УЗБАТ архивига сақлаш учун топширилади.

## **12. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ.**

12.1 Агар Акциядорлар Умумий Йиғилиши қарорида бошқаси келишилмаган ва Баённомасида бошқаси акс эттирилмаган бўлса, Акциядорлар Умумий Йиғилиши қарорларининг бажарилиши устидан назорат, Кузатов Кенгаши томонидан амалга оширилади.

12.2 УЗБАТ барча Акциядорлари Акциядорлар Умумий Йиғилиши қарорларининг уларга тегишли бўлган қисмларини бажаришлари шарт.